

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 29 декабрь, № 254 (5674) Шанба


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2013 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2013 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби Б. Ташматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 28 декабрь



# Тароватли кунлар сурури

*Юртимизда айём тараддуди қизғин. Каттаю кичик хушкайфият, кўтаринки руҳ билан Янги йилни кутмоқда. Айни кунларда байрам муносабати билан бир-биримизни табриклаб, дўсту ёрларимизга эзгу тилаклар билдираяпмиз. Шундай гўзал тантаналарни соғ-омонликда, осойишта ва хотиржам қарши олаётганимиздан дилимизда мамнунлигу шукрона туйғуси ортмоқда.*



### Байрам нафаси

Болажонларни айтмайсизми?! Улар ҳар йили мўъжизавий Янги йилни кун санаб, бир олам ҳаяжон билан кутишади. Байрам совғалари, қувонч ва шодликка тўла тантаналар кичкинтойларнинг беғубор қалбини унутилмас ҳисларга тўлдиради. Бундай пайтда уларга қўшилиб завқланамиз, бир зумга бўлсин, болага айланамиз, кўнглимизга ажиб бир нурафшонлик инганини теранроқ ҳис қиламиз...

Бугун гўзал пойтахтимизнинг бош майдонига ташриф буюрган киши бунга яна бир бор амин бўлади. Майдонда қад ростлаган муҳташам арча ва унинг атрофидаги афсонавий "Эртаклар шаҳарчаси" бутун шаҳар аҳли, кўплаб меҳмонлар, бахтиёр оилалар ва жажжи болажонларни ўзига жалб этмоқда.

Биласиз, мазкур байрам тадбирлари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Тошшаҳарнур" давлат унитар корхонаси ва бошқа мутасадди идоралар ҳамкорлигида ташкил қилинади. Анъанага мувофиқ, бу гал ҳам уларнинг ташаббуси билан пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони, барча боғу роғлар ҳамда маданият масканларида Янги йилга бағишланган ранг-баранг маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Байрам кунлари ўнлаб бадиий жамоалар ва театр труппалари иштирокида болажонлар учун эртак-томоша ҳамда мюзикллар намойиш этилиши режалаштирилган.

— Мустақиллик майдонига ўрнатилган 37 метрли кўркам арча, коляверса, унинг атрофидаги икки муҳташам саҳнада намойиш этиладиган бетакрор байрам дастурлари барчага бирдек манзур бўлиши, шубҳасиз, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Миржамол Юнусов. — Майдонда совға-саломлар сотиб олиш мумкин бўлган ўттиздан зиёд савдо шохобчалари, болажонларни беҳад хурсанд қилувчи қизиқарли томошалар йўлга қўйилган. Кун давомида турли эртак қаҳрамонлари, Қорбобо ва Қорқиз билан ғаройиб учрашувлар, интеллектуал беллашувлар, цирк томошалари, эстрада хонандаларининг концерт дастурлари байрам иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинади.

(Давоми 4-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Янги, 2013 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари Юртбошимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллаганлар.*

*Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўлладилар:*

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**

Хитой Халқ Республикаси Раиси **Ху Цзиньтао**

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Дмитрий Медведев**

Хитой Компартияси Марказий Қўмитаси Бош котиби **Си Цзиньпин**

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири **Вэнь Цзябао**

Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси Доимий Қўмитаси Раиси **У Банго**

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазирининг ўринбосари **Ли Кэцян**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Нурсултон Назарбоев**

Туркманистон Президенти **Гурбангули Бердимуҳамедов**

Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**

Буюк Британия Бош вазири **Дэвид Кэмерон**

Канада Генерал-губернатори **Дэвид Жонстон**

Янги Зеландия Генерал-губернатори **Жерри Матепарае**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Кувайт Давлати Амири **Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Мўғулистон Президенти **Цахиагийн Элбэгдорж**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия Қўмитаси Раиси — Ижро этувчи котиби **Сергей Лебедев**

Корея "Ханджин групп" компанияси ва "Кореан Эйр" авиакомпанияси Раиси **Чо Янг Хо**

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги президенти **Акихико Танака**

Япония "Марубени" корпорацияси президенти, директорлар кенгаши аъзоси **Теруо Асада**

Давлатлараро авиация қўмитаси раиси **Татьяна Анодина**

"ЛУКОЙЛ" ОАЖ президенти **Вагит Алекперов**

*Табрикномалар келиши давом этмоқда.*

# Эзгу ниятларимиз ижобати

*Аввал хабар қилинганидек, 27 декабрь куни Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси асосида Тошкент шаҳрининг Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган кўп қаватли замонавий уйларнинг фойдаланишга топширилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, адабиёт ва санъат намояндалари, кенг жамоатчилик вакиллари, пойтахтимиз маҳаллалари фаоллари, ёшлар иштирок этди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири тадбир иштирокчиларидан айримларининг фикрлари билан қизиқди.*

### 2013 йил — Обод турмуш йили

**Холиджон КОМИЛОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси профессори:**

— Президентимиз Ислом Каримов томонидан эълон қилинган Обод турмуш йили арафасида пойтахтимиз марказида замонавий уй-жойлар ҳамда савдо ва маиший хизмат объектларини ўзида мужассамлаштирган янги мажмуанинг фойдаланишга топширилиши Ватанимизни обод қилиш, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун барча шароит ва қулайликларни яратиш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ишларнинг яна бир амалий натижаси бўлди. Давлатимиз раҳбари одамларимизнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига доимий эътибор қаратиб келмоқда. Бу йўналишларда кенг кўламдаги вазифаларни қамраб олган дастурлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Шаҳарларимизда кўплаб замонавий кўп қаватли уйлар, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, оилавий поликлиникалар барпо этилмоқда. Қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар, қишлоқ врачлик пунктлари ва ижтимоий объектлар халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш билан бирга, юртимизга янгича қиёфа бахш этмоқда.

Бугун биз тароватидан баҳра олиб турган Алишер Навоий кўчасини узоқ йиллардан бери биламан. Трамвайнинг тақир-туқури, кўча бўйлаб ўргимчак уясига ўхшаб осилиб ётган симлар, ўзидан чор атрофга қўланса ҳид тарқатаётган бефайз ва кўримсиз жарликни кўз олдимизга келтирсак, инсон қўли, унинг юксак бунёдкорлик қудрати чин маънода мўъжиза яратишга қодир эканига амин бўламиз. Бир пайтлар биз четлаб ўтишга ҳаракат қилган хилват жарлик ўрнида барпо этилган бу гўзал иншоот сўзимга яққол далилдир. Демак, юракда она-Ватанни обод этиш нияти бўлса, бу орзуни рўёбга чиқариш учун аниқ ва қатъий мақсад бўлса, гўзалликка интилиш бўлса, ҳар қандай мураккаб вазифани бажариш мумкин экан.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕК БАРИТОНИНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий санъатимизни янада равнақ топтириш, эришилган ютуқларни жаҳонда кенг тарғиб этиш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир.*

### Эътироф

Бу йўналишдаги ишлар нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилаётган маданий тадбирларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Юртимиздаги кўплаб театр жамоалари каби Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрининг санъаткорлари ҳам хорижда ўтаётган нуфузли кўрик-танловлар, фестиваллар, ижодий анжуманлар, концертларда муваффақиятли иштирок этмоқда, ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларни томошабинлар эътиборига ҳавола қилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри солисти Раҳим Мирзакамолов 2012 йилнинг 16-22 декабрь кунлари Беларусь Республикасининг пойтахти Минск шаҳрида ўтказилган "Competizione dell'Opera" халқаро вокалистлар танловида биринчи ўринни қўлга киритди. Беларусь Республикаси Миллий академик опера ва балет катта театри саҳнасида ўтган мазкур танловда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан 150 нафар вокалист иштирок этди. Ярим финалда олтмишдан зиёд хонанда қатнашди.

(Давоми 4-бетда).

# Мардлик ва фидойилик мактаби

*Тинчлик ва осойишталик бор жойда орзу-умидлар рўёбга чиқади, эртанги кунга ишонч мустаҳкамланади. Халқимизнинг "Тинч ва осойишта юртга байрамлар ярашади", деган содда, лекин пурмаъно ҳикматида ҳам ана шу жиҳатлар ўз ифодасини топган.*

### Ватан ҳимоячилари куни олдидан

Албатта, мамлакатнинг тинчлиги, осудалигини асраш ва уни ҳимоя қилиш шарафли, ўз навбатида, энг масъулиятли вазифадир. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ана шу ишни муносиб уддаламоқда.

Бугун аҳоли ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори ва нуфузи юксак даражага кўтарилган. Зеро, эр киши учун ўз Ватанини, халқини, оиласини ҳимоя қилишдан зиёдроқ улуғвор иш йўқ. Бу шарафли ва ўта масъулиятли вазифани зиммага олиш ҳам аслида мардликдир. Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириш, армиямизда соғлом муҳитни қарор топтириш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлик даражасини юксалтириш, армия сафларини замон талабларига жавоб бера оладиган, теран фикрлаш қобилиятига эга бўлган кадрлар билан тўлдириш соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосини ташкил этади.

(Давоми 2-бетда).

### Қарор ва ижро

*Истиқлол йилларида юртимиз суд-ҳуқуқ тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланишига эришилмоқда. Бунда жиноят қонунчилиги изчиллик билан либераллаштирилаётганлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас.*

# Инсонпарварликнинг юксак намунаси

Зеро, унинг моҳиятига инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойили сингдирилган бўлиб, бу орқали жиноят содир этган шахсларга нисбатан кечиримли бўлиш ва уларни тўғри йўлга бошлаш мақсади кўзда тутилгани, айниқса, эътиборлидир.

Президентимиз тақдимномасига мувофиқ, яқинда Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор ана шундай эзгу мақсадларни қамраб олган навбатдаги муҳим ҳужжат бўлди. Мазкур қарор нафақат демократик жамиятнинг устувор тамойилларини, айни чоғда қадимдан амал қилиб келинаётган қадриятларимиз ҳамда бағрикенглик, мурувват ва инсонпарварлик каби олий фазилатларнинг нозик қирраларини ўзида мужассам этган. Жумладан, унда аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар ва чет давлат фуқароларини жазодан озод қилиш назарда тутилган бўлиб, шунинг ўзиёқ унинг нечоғли бағрикенглик тамойилига асосланганини кўрсатиб турибди. Эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир этган шахсларнинг ҳам жазодан озод қилиниши белгиланган.

Амнистия актининг энг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, бир нечта тоифадаги маҳкумларнинг ҳам жазо муддатлари қисқартирилмоқда ёки енгилроғига алмаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Маиший техникалар ишлаб чиқариш ҳажми ошди

**Бир рақам шарҳи**

2012 йилда мамлакатимизда электр маиший техникаси ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йиллардагига нисбатан

**4** баробар ошди.

*Бу оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, аҳолининг турмуш маданиятини ошириш, энг муҳими, хотин-қизларимизнинг меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг салоҳиятидан ижтимоий, маданий, социал ва иқтисодий соҳаларда, болалар тарбиясида янада самарали фойдаланишга хизмат қилиши билан, айниқса, аҳамиятлидир.*

# Эзгу ниятларимиз ижобати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юртбошимиз қураётган ҳар бир иморатимиз, барпо этаётган боғу хиёбонларимиз чиройли бўлиши керак ва одамларга завқ бағишлаши лозим, деб таъкидлайди. Тиббиёт мутахассиси сифатида айтаманки, бу ҳикматнинг замирида жуда катта маъно бор. Мисол учун, бизга бу ёруғ дунёни кўриш имконини берувчи кўзимиз 13 мингдан ортиқ рангни қабул қила олади. Инсон ўз атрофида қанча кўп гўзалликни кўрса, унинг кайфияти шу қадар баланд кўтарилади. Бу, табиийки, унинг саломатлигига, меҳнат фаолияти самарадорлигига, ўзини бахтли ҳис этишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўзида бегуборлик, янги марралар сари интилишни ифодаловчи мана бу уйларни, хонадонлардаги файзни кўриб кўз қувнайди, завқинг ошади.

**Муҳаммаджон ЗУФАРОВ, "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси:**

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Тошкент шаҳрида улкан, ҳақиқатан ҳам, тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, пойтахтимиз қайтадан бунёд бўлди. Бугун Тошкент нафақат Ўзбекистонимиз, балки дунёдаги энг чиройли шаҳарлардан бирига айланди. Юртбошимиз ғояси ва ташаббуси асосида бунёд этилган ва Тошкентнинг ўзига хос рамзига айланган "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи ўзининг муҳташамлиги ва бетакрорлиги билан етти иқлимдан келган меҳмонларнинг ҳайрат ва ҳавасини келтирмоқда. Бизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этмоқда. Негаки, бу кошона миллий меъморлик санъатимизнинг ажойиб намунасидир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бундай иморатларни ўз қўлимиз билан бунёд этаётганимиз замонавий шаҳарсозлик, қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида ҳам мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти, куч ва имкониятлари тобора юксалиб бораётганини кўрсатади.

Мустаҳкам оила йилида мана бу энг замонавий уйларга кўчиб кирган оилаларнинг қувончини бир тасаввур қилиб кўрайлик. Бундай воқеалар инсон улуғланадиган юртда бўлади. Бундан қувонмай, ғурурланмай бўладими?!

Мамлакатимизда, айниқса, пойтахтимизда олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг кўлами шу қадар кенг, суръати шу даражада тезки, шу шаҳарда яшаб туриб, гоҳида унинг айрим жойларини танимай қоласан киши. Алишер Навоий кўчасида ғоят қисқа вақт ичида қад ростлаган мана бу янги иморатлар ушбу ҳудуд қиёфасини тамомила ўзгартириб юборди. Дўконларни айтмайсизми?! Кенг ва ёруғ. Қаранг, халқимизнинг кенгликни хуш кўриши, кенг феъллилигидан бу. Маҳсулотларнинг тури кўплигидан кўз қувнайди. Яна денг, аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилган. Ўзимизнинг телевизор, кир ювиш машинаси, музлаткич, мебель, кийим-кечак... Буни ҳақиқий замонавий савдо мажмуаси, деса бўлади. Энг муҳими, буларнинг бари мустақиллик туфайлидир.

**Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири:**

— Биз Юртбошимиз раҳнамолигида ҳурриятга эришган ва ўз адолати, мардлиги билан қадрини топган, яъни ҳалол меҳнати билан қаддини тиклаган, ўз маърифати билан не-не элу элатлар дилларини нурафшон этган халқмиз. Бундан йигирма йил муқаддам Тошкент шаҳрининг биронбир маҳалласида ёки мамлакатимизнинг истаган қишлоғида нечта одамда машина бор, деган савол қўйилса, бир зумда бармоқ билан санаб чиқиларди. Бугун эса шаҳарнинг ҳар қайси маҳалласида ёки бирон қишлоқда нечта хонадонда машина йўқ, деган саволга жавоб бериш осонроқ.

Бундан йигирма йил аввал "бориб кўринг, дунёнинг ривожланган мамлакатларининг ўғил-қизлари қандай мактабларда, коллежларда, маънавият даргоҳларида ўқияпти, қандай спорт иншоотларида шуғулланяпти", деган савол қўйилган бўлса, бугун дунё одамлари Ўзбекистонга келиб, қандай мактабларда, касб-ҳунар коллежларида ўқиш кераклигини ўрганиб кетаяпти.

Нафақат пойтахтимизда, Ўзбекистонимизнинг ҳар бир гўшасида бунёд этилаётган биноларнинг улуғворлигини давлатимиз қудратининг тимсолига менгзагим келади. Бу бинолардаги кенглик, ёруғлик, гўзалликни ўзбек халқининг бағрикенглигига, чеҳрасидаги тиниқликка ўхшатгим келади. Мана бугун биз остонасида турган бу тураржой бинолари-чи?! Обод турмушимизнинг ёрқин тимсоли эмасми?! Биз бугун гўё Обод турмуш йилига очилган улуғвор ва гўзал дарвозанинг қошида турибмиз.

Бу уйлар нафақат уларга кўчиб кирган ҳамюртларимизга, бутун халқимизга муборак бўлсин! Уйи ёруғ одамнинг юзи ёруғ, уйида олови бор одамнинг қалбида олови бўлади.

*Чироқ қадрини сўрсанг қоронғу кечалардан,*
*Бу кўҳна ҳақиқатни сўраб кўр нечалардан.*
*Ким уйида бахт топмай топганмиш кўчалардан,*
*Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир.*

*Бахтингизни изламанг, ўзга юрт кошонадан,*
*Ватан ҳам бошлангуси дегайлар остонадан*
*Ҳар бир сўзнинг аввалин сўранг мушфиқ онадан,*
*Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир.*

**ЎзА мухбири Олим ТЎРАҚУЛОВ ёзиб олди.**

## Интилиш

*Бухоро шаҳридаги "Анварул Шамс" масъулияти чекланган жамиятида кейинги уч ойда маҳсулотлар тури ўнтага кўпайиб, 46 тага етди. Бу нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхонада модернизация тадбирларининг амалга оширилгани билан боғлиқ.*

# Тежамкор, сифатли, самарали

— Мустаҳкам оила йилида хориждан 52 минг АҚШ доллари эвазига замонавий технологик линия харид қилдик, — дейди корхона раҳбари Умид Комилов. — Бу эса маҳсулот сифати ва иш самарадорлигини ошириш имконини бераяпти. Янги ускуна энергия тежамкорлиги билан ҳам бизга маъқул. Биргина шунинг ҳисобидан ойига икки-уч миллион сўм маблағни тежаб қолаяпмиз. Ҳозир 42 кишилик жамоамиз ҳамшаҳарларимизнинг Янги йилни файзли дастурхон атрофида кутиб олишлари учун турли ширинликлар тайёрлаб, савдо шохобчаларига етказиб бераяпти.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Таълим

# Муҳим воқеалар, амалий тадбирлар

***Ҳар бир мамлакат ўзига хос ривожланиш концепциясини илгари суриб, жаҳонда муносиб ўрин эгаллашга интилади. Юртимизда эса инсон омилига ҳал қилувчи асосий куч сифатида қаралиб, юксак маънавиятга эга, замонавий билимларни ўзлаштирган, ҳар соҳада дунё мамлакатлари ёшлари билан теппа-тенг баҳсга киришa оладиган янги авлодгина жамиятнинг эртанги тараққиётини белгилашига ишонч билдирилмоқда. Ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, таълим соҳасидаги ислоҳотлар узлуксиз олиб борилаётгани фикримизнинг яққол далилидир. Биз ушбу йўналишдаги энг муҳим жиҳатлар хусусида тўхталамиз.***




● Ўн беш йил муқаддам мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг ноёб тизими амалга оширилиб, 9+3 тамойили асосидаги 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими йўлга қўйилди.

Мактаб таълими етти тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилмоқда.

● Шу йил 16-17 февраль кунлари Тошкентда ўтказилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференцияда 48 давлатдан, 8 та халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил иштирок этиб, Ўзбекистоннинг ёш авлод таълим-тарбияси борасида тўплаган тажрибаси ҳар томонлама андоза олишга арзигулик эканини эътироф этгани мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли нақадар тўғрилигига яна бир ишончли далил бўлди.

● Франциянинг нуфузли "Insead" халқаро бизнес мактаби ва жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ)-нинг "2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси" деб номланган таҳлилий маърузасига асосланган ҳолда халқаро медиа оламида машҳур бўлган CNN компанияси томонидан эълон қилинган АҚШ, Ўзбекистон ва жаҳоннинг бошқа давлатларида таълимнинг ҳолати тўғрисидаги қиёсий ахборотида Ўзбекистон таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича иккинчи ўринни эгаллаган. Ушбу тадқиқот 2012 йилда жаҳон миқёсидаги ялпи ички маҳсулотнинг 99,4 фоизини ишлаб чиқараётган, сайёрамиз аҳолисининг 94,9 фоизини ўз бағрига олган 141 мамлакат ўртасида ўтказилганини ҳисобга олсак, берилган баҳонинг нақадар юксак ва холис эканини тасаввур этиш қийин эмас.

● Бутун дунёда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири давом этаётган бир пайтда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ҳар йили ялпи ички маҳсулотимизнинг 10-12 фоизи ва Давлат бюджетимиз харажатларининг 35 фоизи йўналтирмоқдаки, Ўзбекистонда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш учун сарфланаётган бу маблағларга келажакка қўйилаётган муҳим инвестиция сифатида қаралмоқда.

● Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида республикамиздаги жами 9763 та мактабнинг 8501 тасида, яъни 3 миллион 12 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган умумтаълим муассасаларида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Биргина 2012 йили 14 та янги уй-жой массивида замонавий мактаблар барпо этилди, 187 та умумтаълим муассасаси реконструкция қилиниб, 162 таси эса капитал таъмирланди.

● Бугун республикамиздаги 9763 та умумтаълим мактабида 416 минг 188 нафар педагог 4,5 миллиондан кўпроқ ўқувчи-ёшларга илм-фан сабоқларини бермоқда.

● Мактабларга ёш кадрларни жалб қилиш, навқирон истеъдод соҳибларини таълим-тарбия жараёнига тортиш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2004 йили олий ўқув юртларида педагогика ва касбий таълим йўналиши бўйича таҳсил олган 2945 нафар битирувчи иш билан таъминланган бўлса, 2012 йил олий ўқув юртларини грант асосида битирган 7629 нафар ёш мутахассис мактабларда ўз иш фаолиятини бошлади.



● Жорий йилнинг 11 декабрида Президентимизнинг "Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

*Мухтасар айтганда, истиқлол туфайли Ўзбекистонда таълим-тарбиянинг пировард мақсади, мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди, янгиланди. Бугунги ўқувчи-талаба янги билимларни ўзлаштириш баробарида, халқимизнинг асрлар давомида асраб-авайлаб, эъзозлаб келган ўлмас маънавий-маърифий қадриятларини қалби ва онгига чуқур жо қилиш, дунёнинг энг илғор фикри билан танишиш, уни таҳлил этиш ва ўз қарашини эмин-эркин шакллантириш имкониятига эришди. Муҳтарам Юртбошимиз эртамиз эгалари тараққиётимизнинг ҳал қилувчи кучи деганда айнан шундай ёшларни назарда тутганлиги шубҳасиз.*

# Инсонпарварликнинг юксак намунаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Аёнки, амнистия актини қўллашда қонунбузарлик, суиистеъмолликка йўл қўймаслик, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказилмаслигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, жойлардаги ички ишлар идоралари томонидан Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарорини қўллаш тартиби ҳақидаги низом, Ички ишлар вазирлигининг кўрсатмаси талаблари белгиланган муддатда ижро этилишини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳкумлар ва жамият ўртасидаги ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига қаратилган бир қатор комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқариш ҳам назарда тутилган. Ҳозирги пайтда шу асосда маҳкумлар йиғмажилдлари прокуратура, суд идораларига юборилиб, амнистия акти доирасига тушадиган маҳкумлар билан психологик суҳбатлар ўтказилмоқда. Айни чоғда уларнинг жамиятга тез ва осон мослашиб кетишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ҳозирга қадар 300 нафардан ортиқ шахс озод этилди. Муҳими, бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Хусусан, уларни тўлиқ ҳисобга олиш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналар, ҳомийлик ва васийлик органлари назоратига топшириш, зарур ҳолларда, уларни тегишли таълим муассасаларига юбориш ҳам доимий эътиборда турибди. Бунда прокуратура, суд, ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари, соғлиқни сақлаш тизими, "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлиги қўл келаяпти. Шунингдек, жойларда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан таркиб топган комиссиялар томонидан қарор ижроси билан боғлиқ турли тадбирлар ўтказилаётгани ҳам ишнинг самарали бўлишига хизмат қилмоқда.

Мазкур қарорга фақатгина маҳкумни ёки жиноят содир этган шахсни жазодан озод этишни кўзда тутувчи ҳужжат сифатида қарамаслик керак. Зеро, у жазодан озод этилган шахсларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида ҳам муҳим роль ўйнайди, албатта. Чунончи, жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясига оид чораларни ўз вақтида, самарали бажариш мақсадида жойларда ҳуқуқ-тартибот идоралари, судлар, маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларидан иборат ҳудудий комиссиялар тузилган бўлиб, улар томонидан озодликка чиққан шахсларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шунингдек, қарорнинг очиқ-ошкора қўлланиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилди. Ҳозирги пайтда ушбу гуруҳлар томонидан жазони ижро этиш муассасаларини бориб кўриш, маҳкумлар билан суҳбатлар ўтказиш ҳамда уларнинг шахсий йиғмажилдлари билан танишиш, суриштирув, дастлабки тергов органлари юритувидаги терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ва жиноят ишлари билан танишиш, озод қилинган шахслар билан олиб борилаётган ишлар аҳволини мониторинг қилиш ва бу жараёнларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш билан боғлиқ кўплаб ишлар рўёбга чиқарилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги арафасида қабул қилинган мазкур қарорнинг яна бир аҳамиятли жиҳати хусусида сўз юритадиган бўлсак, унда жазодан озод қилинаётган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига қаратилган бир қатор комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқариш ҳам назарда тутилган.

Шу ўринда амнистия актининг яна бир муҳим жиҳатини айтиб ўтиш зарур. Яъни унда турли экстремистик ташкилотлар таркибида жиноят содир этиб, ҳозирда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар орасидан бугунги кунда ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, жиноятининг оғир оқибатларини тушуниб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтиб, фарзандлари тарбияси, халқ равнақи, юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилишни ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйган шахслар ҳам озодликка чиқарилмоқда. Шунинг ўзиёқ юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар моҳиятига ислоҳотлар инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун, деган тамойил сингиб кетганлигини кўрсатиб турибди.

Хулоса ўрнида айтганда, Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори инсонпарварликнинг юксак намунасидир.

**Илҳом ТУРҒУНОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи.**

# Мардлик ва фидойилик мактаби

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳам мамлакатимиз мудофаа тизимига юқори малакали офицер мутахассислар етказиб бераётган нуфузли олий ҳарбий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда бу ерда кўплаб йўналишларда офицер кадрлар тайёрланмоқда. Таълим масканида таҳсил олган ва юрт осойишталиги йўлида хизмат қилаётганлар сафида маҳорат, матонат ва жасоратда алоҳида намуна кўрсатаётган, Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган салоҳиятли офицерлар кўпчиликни ташкил этади. Улар изидан бораётган курсантлар ҳам бу анъаналарни давом эттириб, қадрдон ўқув муассасаларининг илғор натижага эришиши йўлида бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоқдалар.




Билим юрти ҳузурида услубий марказ, офицер кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети ҳамда бир қатор тўгараклар фаолият кўрсатаётир. Мавжуд кафедралар, барча шарт-шароит муҳайё қилинган ўқув синфлари, замонавий техник воситалар, компьютерлаштирилган тренажёрлар, спорт зали, кутубхона, энг сўнгги русумдаги технологик жиҳозлар, компьютерлар, мультимедиа воситалари ҳамда ҳарбий техникалар курсантлар билимини оширишга хизмат қилмоқда.

— Бизнинг асосий вазифамиз Ватанга фидойи, мустақиллик ғояларига содиқ, интеллектуал тафаккури кенг, мураккаб тактик вазиятларда тезкор ва аниқ қарор қабул қила оладиган офицер кадрларни тайёрлашдан иборат, — дейди офицер Ориф Камолов. — Шуни фахр билан айтиш мумкинки, ушбу масъулиятли вазифани бажариш учун таълим даргоҳимизда барча шарт-шароит яратилган. Қисқача айтганда, бунинг учун куч ва имкониятларимиз етарли.

Таъкидлаш жоизки, мазкур билим юрти курсантлари Қуролли Кучлар тизими ва олий ҳарбий таълим муассасалари ўртасида ўтказиб келинаётган турли танловлар, спорт мусобақаларида доимо етакчилар сафидан ўрин эгаллашади. Жумладан, Қуролли Кучлар тизимида универсал жанг, Мудофаа вазирлиги қўшинлари ўртасида анъанавий ташкил этилаётган "Умумармия ўйинлари"да эришилаётган муваффақиятлар фикримиз тасдиғидир.

— Назарий ва амалий машғулотларни чуқур ўзлаштиришимиз, спорт билан шуғулланишимиз учун бу ерда барча имконият мавжуд, — дейди курсант Азиз Акромов. — Ундан унумли фойдаланишга интилаяпмиз. Келажакдаги мақсадим, ҳарбий билимларимни мустаҳкамлаб, она-юртимиз равнақи йўлида хизмат қилиш.

Хулоса ўрнида айтганда, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида тарбияланаётган ўғлонларга боқиб, юртимиз тинчлиги ва осудалиги ишончли қўлларда эканига яна бир карра амин бўлдик.

**Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

Яхши хабарлар

***Андижон шаҳридаги "Янги бозор" ҳамда "Эски шаҳар" деҳқон бозорларида анъанавий "Асал" кўргазмаси ташкил этилди.***

# Асаларичилар кўргазмаси

— Бугунги кунда вилоятимизда 1128 та фермер хўжалиги ва якка тартибдаги тадбиркор бол етиштириш билан шуғулланмоқда, — дейди вилоят асаларичилик кенгаши раиси Муроджон Турсунов. — Шунингдек, ўтган даврда асалари уялари сони бир йилнинг ўзида 21 мингтадан 28 минг 80 тага кўпайди. Авваллари ҳар қутидан 5-6 килограммдан бол олинган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 12 килограммни ташкил этмоқда. Аниқроқ айтганда, ўтган йили 447 тонна шифобахш асал олинган эди. Жорий йилнинг ўтган даврида 600 тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилди.

Бундай ярмаркалар вилоятдаги барча туман ва шаҳарларнинг деҳқон бозорларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

# Малайзияда Андижон неъматлари

***Юртимизда етиштириладиган замин неъматларининг довруғи етти иқлимга кетган.***

Шираси сиртига тепчиган чарослару ҳусайни узумлар, олмаю анорлар, тилими тилни ёргучи полиз маҳсулотлари айни пайтда тўйимлилиги ва шифобахшлиги билан ҳам машҳур.

Малайзияда ўтказилган халқаро "Махо — 2012" фермерлар ва озиқ-овқат саноати кўргазмасида ўлкамиз боғ-роғларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам намойиш этилди. Шунингдек, нуфузли кўргазмага ташриф буюрганлар миллий ҳунармандчилик намуналарини ҳам томоша қилдилар. Пазанда Солижон Бойназаров томонидан тайёрланган палов барчанинг эътиборини ўзига қаратди.

Андижонлик соҳибкор ҳамда фермерлардан бир гуруҳи ўн кун мобайнида олис юртнинг бой маданий тарихи, обидалари, диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишдилар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Тадбир

*Ўзбек Миллий академик драма театрида 28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган концерт бўлиб ўтди.*

# Дўстлик концерти

Мазкур дўстлик ва санъат кечаси Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши раиси Саидаҳрор Ғуломов, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чжан Сяо мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳа қатори маданий-гуманитар йўналишда ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Маданият ва санъат ҳамиша халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида изчил ривожланиб бораётган маданий алоқалар, фан, таълим, маданият ва санъат намояндаларининг ўзаро ташрифлари ҳам айни шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Тошкентда Хитойнинг машҳур бадиий жамоаларидан бири бўлган “Мафтункор Синьцзянь” ансамблининг концерти ташкил этилиши ҳам ривожланиб бораётган маданий алоқаларнинг амалдаги ифодасидир.

Тадбирда “Мафтункор Синьцзянь” ансамбли томонидан ижро этилган ранг-баранг куй-қўшиқлар ва рақсларда Ватан, дўстлик, меҳнат, муҳаббат, табиат ва инсон ўртасидаги уйғунлик каби мавзулар тараннум этилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**


● Реклама ва эълонлар ●

Корхона ва кичик бизнес ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

*қуйидаги иншоотларга танлов савдоси эълон қилади.*

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан сўм | Бошланғич нархи ҚҚСсиз сўм | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги чақирув-йиғув пунктини қайта қуриш ва модернизация қилиш | 852 081 354 | 710 067 795 | 180 кун |
| Лот-15/1. | Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги вилоят ички ишлар бошқармаси «Пост патруль хизмати» батальонининг хизматчи итлар питомнигини мукаммал қайта қуриш | 503 124 762 | 419 270 635 | 180 кун |
| Лот-15/2. | Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги вилоят ички ишлар бошқармаси «Пост патруль хизмати» батальонининг хизматчи отлар питомнигини мукаммал қайта қуриш | 542 097 118 | 451 747 598 | 180 кун |
| Лот-16/1. | Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, «Олтинкўл» ҚФЙ, «Мулкобод» МФЙда 10 та тураржой уйларига ташқи сув тармоғи қурилиши | 236 620 852 | 197 184 043 | 90 кун |
| Лот-16/2. | Наманган вилояти, Наманган тумани, Юқори Ровустон қишлоғи, «Миришкор» ҚФЙ да 20 та тураржой уйларига ташқи сув тармоғи қурилиши | 231 034 137 | 192 528 448 | 90 кун |
| Лот-16/3. | Наманган вилояти, Косонсой тумани, А. Дадаханов аҳоли пункти ҳудуди, «Чиндовул» ҚФЙда 10 та тураржой уйларига ташқи сув тармоғи қурилиши | 147 830 700 | 123 192 250 | 90 кун |
| Лот-17/1. | Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, «Момохон» ҚФЙ, «Кичик Жомашўй» МФЙдаги 15 та тураржой уйларига ташқи сув тармоғи қурилиши | 255 105 110 | 212 587 592 | 90 кун |
| Лот-17/2. | Наманган вилояти, Норин тумани, Отбозор қишлоғи, «Тўда» ҚФЙдаги 15 та тураржой уйларига ташқи сув тармоғи қурилиши | 173 549 200 | 144 624 333 | 90 кун |
| Лот-17/3. | Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Катта Моғол ҳудуди аҳоли пункти, «Ҳамза» ҚФЙда 23 та тураржой уйларига ташқи сув тармоғи қурилиши | 228 595 300 | 190 496 083 | 90 кун |

***Буюртмачи:*** Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси.

Телефонлар: (8-369) 226-22-60, 233-06-11.

***Лойиҳани молиялаштириш*** Республика давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат! Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзаллика эга ҳисобланади.

500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ҳамда ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй.**
**Тел./факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.**

***Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи — 100 000 сўм.***

***Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.***
***Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталарнинг очилиш куни ва соати.***

**Таклифлар эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.**

2226А/1477

***ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!***

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**2013 йил 31 январь, 7, 14, 21 ва 28 февраль кунлари ўтказиладиган оммавий оферта савдосига таклиф этади.**

Оммавий оферта савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги банк улушлари қўйилмоқда:

| Т/р | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг | | Савдога қўйилаётган улушнинг устав фондидаги фоизи (%) | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «KESHMARBLE» МЧЖ | Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Китоб шаҳри, Нажим Нугаев кўчаси, 11-уй | Жамият уставида айрим турдаги мармар маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қазилма бойликларидан белгиланган тартибда фойдаланиш ва бошқа фаолиятни амалга ошириш белгиланган | 100% | 2 016 633 000,0 | 1 093 915,38 |
| 2. | «GAZALKENT STONE» МЧЖ | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Заводская кўчаси, 1-уй | Жамият уставида саноат ва халқ истеъмоли қурилиш хом ашёларини ва қурилиш пардоз буюмларини (мармар ҳамда гранит плиталар, декоратив мармар мебели) ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш белгиланган | 100% | 5 380 000 000,0 | 2 918 361,81 |

**Оммавий оферта шартлари:**

Оммавий оферта ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг, бўнак пули сифатида, қолган қисмини бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар, оммавий оферта савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***Оммавий оферта савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:***

* *юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;*
* *жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;*
* *икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари: сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун савдога қўйилаётган улуш бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланиши лозим: 20208000904929318002, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

**Оммавий оферта савдосига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 15.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).**

**Мурожаат учун алоқа воситалари:**
— **сотувчи (банк) телефонлари: (8-371) 234-11-22, 234-15-60, тел./факс: (8-371) 234-43-31;**
— **савдо ташкилотчиси телефони: (8-371) 233-23-40, тел./факс: (8-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

2228R/1506




**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

*1. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2012 йил 22 августдаги 27038/25-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Муса Жалил кўчасидаги 118-уй аукцион савдосига такроран қўйилмоқда.*

***Бошланғич баҳоси — 559 673 025,67 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 14 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

*2. Оҳангарон тумани СИБ томонидан 2011 йил 9 августдаги 11-1124/11229-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Оҳангарон тумани, Эйвалек қўрғони, «Озодлик» ҚФЙда жойлашган колбаса цехи аукцион савдосига қўйилмоқда.*

***Бошланғич баҳоси — 88 599 000 сўм.***

*3. Қибрай тумани СИБ томонидан 2012 йил 16 июлдаги 11-1234/3057-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Ўнқўрғон» ҚФЙ ҳудудида жойлашган:*

— молхона бино-иншоотлари, бошланғич баҳоси — 330 000 000 сўм;
— кафе ва савдо дўкони иншоотлари, бошланғич баҳоси — 140 000 000 сўм.

***Аукцион савдоси 2013 йил 29 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Юқоридаги мулклар 2013 йил 29 январь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 13 февраль куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ, Тошкент шаҳар, АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй.**
**Телефон: (8-371) 266-80-76.**

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**
2012 йил 31 декабрь ва 2013 йил 2 январь иш кунлари Янги йил байрами муносабати билан дам олиш куни сифатида белгиланганлиги туфайли шу кунлардаги кимошди савдолари 2013 йил 3 январга кўчирилишини маълум қилади.

2222А/121

***Лицензия: RR-0052.***

**«АГРО САНОАТ МУЛК МАРКАЗИ» МЧЖ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ**

**БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**Очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, Полосон қишлоғи, Х. Эркабоев кўчаси, 51-уйда яшовчи «Эркабоевлар» МЧЖ раҳбари жавобгарлигида сақланаётган:

**1.** 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 15AN947, қизил рангли, «SINOTRUK H OWO» русумли юк автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 163 904 832 сўм.***

**2.** 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 15AN732, кулранг, «ZOOMLION LJ5230» русумли автокран.

***Бошланғич баҳоси — 202 456 995 сўм.***

Очиқ аукцион савдоси 2013 йил 30 январь куни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда — 2013 йил 28 январь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

***Талабгорлар диққатига!*** Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 30 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2013 йил 15 февраль куни бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда — 2013 йил 13 февраль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Агро саноат мулк маркази» МЧЖ Фарғона филиалининг АТ «Алоқабанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704962741002, МФО: 01011, СТИР: 207145283.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан танишиш, савдода иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиш ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй. Телефон: (+99873) 224-69-96.**

2220R/1504

**ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ!**

**ЯНГИ ЮК МАШИНАСИ «HYUNDAI HD 260»**

Омборхонадан 20% чегирма!

*«HYUNDAI MOTOR COMPANY» (Жанубий Корея)*

**Юк кўтариши — 18 тонна.**
**Двигатель қуввати — 340 от кучига эга (Евро-2).**
**Кузов габаритлари — 7000х2300х450.**
**Маҳсулот сертификатланган (№ 0721254).**



**Телефон: (+99890) 973-39-86.**
**Тел./факс: (+99871) 120-07-21, 120-07-23.**

*Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота кўчаси, 3-уй.*

2104А/1437

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz


Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби жамоаси Хореография кафедраси ўқитувчиси **Владимир Васильевич СМОЛИНнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# ЎЗБЕК БАРИТОНИНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Финалда эса Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Украина ва Жанубий Кореядан жами 12 нафар ёш хонанда ўз маҳоратини намойиш этди.

“Competizione dell‘Opera” танловига 1996 йили Германияда асос солинган. Гамбург шаҳрининг мусиқа ва театр олий мактабининг ўша даврдаги президенти, профессор Герман Рауэ “Cestelli” биринчи опера танловини ташкил этган.

Мазкур танлов шуниси билан эътиборлики, унда иштирокчилар қадимдан то XX асргача бўлган даврдаги опералардни фақат итальян тилида ижро этадилар. Танловда 20-30 ёшдаги опера ижрочилари қатнашиши мумкин. Уларнинг саҳнадаги чиқишларини дунёнинг йирик опера театри раҳбарлари ва машҳур опера ижрочиларидан иборат халқаро ҳайъат аъзолари баҳолайди.

Таъкидлаш жоизки, бу ўзбек баритони Раҳим Мирзакамоловнинг биринчи муваффақияти эмас. Ҳамюртимиз кўплаб республика ва халқаро танловларнинг лауреатидир. Хусусан, 2010 йили Қозоғистонда ўтган XIII халқаро рус романси ижрочилари танловининг бош совринига лойиқ, деб топилган.

— Мустақиллигимиз шарофати билан биз, ўзбек опера санъати вакиллари нуфузли халқаро фестиваллар, кўрик-танловлар, концертлар ва бошқа ижодий лойиҳаларда муваффақиятли иштирок этиш имконига эга бўлдик, — дейди Р. Мирзакамолов. — Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ушбу соҳада эришилган улкан ютуқлар жаҳон санъат мухлисларига кенг таништирилмоқда, ўзбек опера санъатининг халқаро нуфузи ва мавқеи тобора юксалиб бормоқда. “Competizione dell‘Opera” танловида ҳайъат аъзолари томонидан белгиланган олти арияни ижро этдим. Танловда ғолиб чиққанимдан жуда хурсандман. Бу — давлатимиз раҳбарининг ёш санъаткорлар равнақи йўлида кўрсатаётган улкан эътибори самараларидандир. Ўз иқтидоримизни намоён этишимиз учун яратилаётган бундай улкан ва кенг имкониятлар биз, ёшларни янада кўпроқ изланишга ундайди.

Р. Мирзакамолов Ўзбекистон давлат консерваториясини опера солисти йўналиши бўйича муваффақиятли тамомлагач, ижодини Тошкент давлат оперетта театридан бошлади. Айни пайтда у дунёнинг кўплаб етакчи опера саҳналарида ўз истеъдодини намойиш этиб келаётир. Энг мураккаб партияларни ҳам юксак маҳорат билан ижро этади. Ноёб, айни пайтда кучли ва ширали овоз соҳибининг репертуаридан ўзбек, француз, итальян ва бошқа халқлар композиторларининг асарлари ўрин олган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ва изчил ислоҳотлар халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, санъатнинг барча йўналишидаги ўзига хос анъана ва мактабларни ривожлантириш, ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бераётгани бугун опера санъатида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Асқар ЁҚУБОВ олган сурат.

# Телетомошабинларга туҳфа

*Шу йилнинг 31 декабрь куни Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида иккита янги — “Маданият ва маърифат” ҳамда “Дунё бўйлаб” телеканаллари ўз фаолиятини бошлайди. Юртдошларимиз мазкур телеканаллар дастурларини соат 19:00 дан эътиборан томоша қилиш имкониятига эга бўлишади.*

Янгилик

Ушбу йирик лойиҳа Президентимизнинг шу йил 30 июлдаги “Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини кенгайтириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли тўлдириш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида”ги қарори асосида рўёбга чиқарилмоқда.

“Маданият ва маърифат” телеканали ижодкорларининг асосий мақсади аҳолининг маданий ва маърифий даражасини янада ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодда илмий кашфиёт ҳамда билимлар, маданий қадриятларга бўлган қизиқишни кучайтириш, илмий-оммабоп ва маданий-маърифий теледастурларни яратиш, рақамли ва мултимедиали технологияларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг маданий ва илмий ҳаётида содир бўлаётган муҳим воқеалар тўғрисида телетомошабинларни ҳар томонлама хабардор қилиб боришдан иборат.

“Дунё бўйлаб” телеканали эса халқаро ҳамжамият ва мамлакатимиз аҳолисига Ўзбекистоннинг ноёб туристик салоҳияти, экологик туризмнинг имкониятлари ва ривожланиш даражаси ҳақида кенг маълумот бериш, юқори бадиий даражадаги илмий-оммабоп ҳамда маърифий дастурларни тайёрлаш, уларни лицензия асосида хорижий каналларда тарқатиш каби вазифаларни амалга оширади. Томошабинлар ушбу канал орқали, шунингдек, тарих, география ва дунё мамлакатларининг замонавий ривожланиш даражаси, бошқа халқларнинг ўзига хос анъана ва маданиятлари, географик кашфиётлар, наботот ва ҳайвонот олами ҳақида ҳам хабардор бўлиб боришлари мумкин.

**С. УСМОНОВА.**

# Тароватли кунлар сурури

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



— Биз учун Янги йилнинг ўзгача маъноси бор, — дейди ёш оила соҳиби Адҳамбек Хўжаев. — Байрамдан бир кун аввал, яъни 30 декабрь санасида Қизим Мубина ва ўғлим Азизбекнинг туғилган кунларини нишонлаймиз. Бу йил фарзандларимнинг бири 7 ёшга, иккинчиси эса 3 ёшга тўлади. Уларни хурсанд қиладиган эртак китоблари, ўзиюрар машинаю “гапирадиган” қўғирчоқларгача — барини ҳозирлаб қўйганмиз.

Қувонарлиси, улкан ютуқлар ва хайрли ташаббусларга бой 2012 йил якунланиб бораётган айни кунларда Самарқанд вилоятида ҳам байрам шукуҳи кезиб юрибди. Самарқанд шаҳридаги 10 та ҳудудда Янги йил арчаси қад ростлаган. Улкан ва гўзал арча атрофида эса хилма-хил ўйинчоқлар, ширинликлар ҳамда мактаб ёшидаги болалар учун ўқув қуроллари ярмаркаси ташкил қилинди.

Байрам муносабати билан Самарқанд шаҳрида ҳаракатланувчи йўловчи ташиш транспортлари ҳайдовчиларидан 100 нафари эртак қаҳрамонлари қиёфасида аҳолига хизмат кўрсатишмоқда. Бундан ташқари, ҳудудда айём дастурхонига арзон нархларда мева-сабзавот, парранда ва гўшт маҳсулотларини сотиб олиш учун қулай шарт-шароит яратилаяпти. Яъни барча шаҳар ва туманлар марказида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдо-ярмаркалари ташкил этилаётир.

Ҳаммасидан ҳам қизиқарлиси, Янги йил олдидан Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган ажойиб кўрик-танловлардир. Бу йил ҳам “Самарқанд нонлари”, “Шарқ ширинликлари” танловлари ҳамда “Миллий таомлар” фестивали юқори савияда ташкил қилинмоқда. Албатта, буларнинг бари юртимизда тўкинсочинлик ва файзу барака ҳукмрон эканлиги ифодасидир.

...Андижон шаҳрининг “Баркамол авлод” хиёбонидамиз. Бу ернинг кўркига кўрк қўшиб турган мафтункор арча ўзидан рангин нур таратиб, кишининг баҳридилини очади. Хиёбон адоғидаги яқинда қуриб битказилган “Osiyo Grand” савдо мажмуаси ва яна ўнлаб янги иншоотлар байрам сайлига чиққанлар билан гавжум.

— Янги йил тантаналари айнан шу ердан бошланди, — дейди “Андижоншаҳарнур” корхонаси директори Шуҳрат Аҳмедов. — Уч минг квадрат метрдан зиёд майдон театрлаштирилган дастурлар ва байрам сайли учун ҳозирланди. Бу ерда эрта тонгдан то оқшомга қадар турли кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари ва концертлар бўлиб ўтмоқда.



Айём арафасида Қорасув шаҳри ҳокимлиги ва “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг шаҳар бўлинмаси ҳамкорлигида хайрли бир юмушга қўл урилди: байрамда бир гуруҳ нуронийлар водий шаҳарлари бўйлаб саёҳатга отланишди.

Хуллас, меҳр ва ғамхўрлик ифодаси саналган бундай ибратли тадбирлар барча шаҳару қишлоқларда юқори савияда ташкил этилмоқда.

**Муборак ОХУНОВА,**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Реклама ўрнида







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 58 889 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5